

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМРОЕВА ОРЗИГУЛ ЖАЛОЛОВНА

**XX АСР БОШЛАРИ ЎЗБЕК МАТНШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИДА
ФИТРАТ МАЖМУАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ҳамроева Орзигул Жалоловна

XX аср бошлари ўзбек матншунослиги тараққиётида Фитрат

мажмуаларининг ўрни..... 3

Ҳамраева Орзигул Джалоловна

Роль хрестоматий Фитрата в развитии узбекской текстологии начале

XX века..... 23

Hamroyeva Orzigul Jalolovna

The role of Fitrat's anthologies in the development of Uzbek textology at the

beginning of the 20th century..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМРОЕВА ОРЗИГУЛ ЖАЛОЛОВНА

**XX АСР БОШЛАРИ ЎЗБЕК МАТНШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИДА
ФИТРАТ МАЖМУАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fil167 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Раҳмонов Насимхон Асқарович филология фанлари доктори, профессор
	Шодмонов Нафас Намозович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат «___» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс:(99871) 281-42-44; (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44 (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Сирожиддинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ё.Р.Одилов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.,
катта илмий ходим

Ш.С.Сирожиддинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон манбашунослиги ва матншунослигида Шарқ адабиётига оид манбаларни ўрганишга интилиш матн таҳлилига оид тадқиқотлар ортиб бормоқда. Натижада матншуносликнинг назарий асослари, матн таҳлилига оид аниқ концепциялар ишлаб чиқилмоқда, таҳлил усуллари аниқланмоқда. Матншуносликдаги мавжуд устувор йўналишлар мумтоз адабиёт намуналарининг асл манбаларини аниқлаш ва мамлакатимизнинг маънавий-маданий тараққиётида тутган ўрнига доир янги хулосалар чиқариш имконини беради.

Жаҳон манбашунослик ва матншунослик илмида бирламчи манбалар қиёсий таҳлил ва талқин тамойиллари асосида ўрганилмоқда. Манбашуносликнинг асосий объекти бўлган матн ва унинг муаллифи ҳақида илмий-назарий хулоса чиқариш учун, аввало, бирламчи манбани тадқиқ этиш, уларнинг илмий-танқидий матнларини яратиш, қадим адабий манбаларни қўлёзма нусхалар асосида нашр этиш муҳим вазифалардан саналади. Аср бошларида вужудга келган илмий-адабий муҳитни ўрганиш, манбаларни табдил ва талқин қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш бугунги кун адабиётшунослик ва матншунослик фанлари олдида турган долзарб муаммолардандир.

Аждодларимиз яратган адабий мерос, уни тадқиқ этиш халқимиз маънавий оламини бойитишда, келажак авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади»¹. Бизнинг ана шундай бой маънавий меросимиз XX аср бошларидан мустақиллик даврига қадар матншунос ва манбашунос олимлар томонидан тўпланиб нашр қилинди. Бу борада аср бошларида профессор Абдурауф Фитрат (1886–1938) олиб борган тадқиқот ва нашр ишлари бугунги кунга қадар аҳамиятини йўқотгани йўқ. Фитратнинг ўзбек мумтоз адабиётига доир манбалар устида ишлаб, уларнинг матнини табдил этиб, нашр этириш борасидаги тадқиқотлари «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1927) ҳамда «Ўзбек адабиёти намуналари» (1-жилд, 1928) мажмуаларида жамланган. Гарчи бугунги кунга қадар Фитратнинг ижодий ҳамда илмий фаолияти бир қанча тадқиқотларда ёритилган бўлса-да, олимнинг матншунос ва манбашунос сифатидаги фаолияти жиддий тадқиқотга тортилмаган. Олимнинг манбашунослик ва матншунослик соҳасидаги тадқиқотлари ўзбек матншунослигининг ўзига хос хусусиятлари ва тамойилларини назарий- амалий жиҳатдан ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилди. Асар мазмуни, ғояси, матн тарихини чуқур билиш,

¹Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 август.

аниқ хулосага келиш, мавжуд манбалар матнини танқидий ўрганиш, матндан келиб чиққан ҳолда муаллиф таржимаи ҳолини тиклаш ва бадиий асар талқини каби илмий-назарий тамойилларни ишлаб чиқишда олимнинг матншунос ва манбашунос сифатидаги фаолиятини ўрганиш нафақат ўз даври, балки бугунги кун манбашунослиги ва матншунослигида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ–4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқи ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 -сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек мумтоз адабиёти манбалари ва намуналарини нашрга тайёрлаш ва унинг илмий тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича матншунослик йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилган. С.Айний, Ғафур Ғулом, Амин Умарий, Ҳусайнзода, И.Султон, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймон, С.Ғаниева, Ғ.Каримов, Ш.Эшонхўжаев, Э.Аҳмадхўжаев, С.Эркинов, И.Ҳаққул, Н.Раҳмонов, Б.Тўхлиев, Қ.Содиқов, С.Ҳасанов, В.Раҳмонов, Н.Жабборов, А.Эркинов, Р.Зоҳидов² ва бошқа олимлар матншунослик ва манбашунослик; В.Маҳмуд, О.Шарафиддинов, Э.Рустамов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, С.Ғаниева,

² Алишер Навоий. Хамса. (Қискартириб нашрга тайёрловчи С.Айний) –Т., 1947; Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. (Насрий баён муаллифи Ғ.Ғулом) –Т., 1938; Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. (Нашрга тайёрловчилар А.Умарий, Ҳусайнзода) –Т., 1941; Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. (Нашрга тайёрловчи И.Султонов) –Т., 1949; Алишер Навоий. Хамса. (Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев) –Т., 1960; Бобир. Бобурнома. (Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев, С.Мирзаев) –Т., 1961. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон) –Т., 1961-1963; Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. (Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева) –Т., 1961; Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. (Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов) –Т., 1966; Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. (Нашрга тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев) –Т., 1965; Лутфий. Девон. Гул ва Наврўз. –Т., 1965; Гадоий. Девон. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Э.Аҳмадхўжаев) –Т., 1973; Лутфий. Сенсан, севарим. (Нашрга тайёрловчилар С.Эркинов, Э.Фозилов, Э.Аҳмадхўжаев) –Т., 1987// Лутфий. Девон. (Нашрга тайёрловчи С.Эркинов) –Т., 2012; А.Яссавий. Ҳикматлар. (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳлар муаллифи И.Ҳаққул) –Т., 1991; Бобур. Бобурнома. (Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов) –Т., «Шарқ» НМАК, 2002; Олтин ёруғ. 1–2-китоб. (Сўзбоши, изоҳлар ва қадимги туркий тилдан ўзбекчага табдил муаллифи Н.Раҳмонов) –Т., 2009, 2015; Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. (Нашрга тайёрловчи Қ.Содиқов) –Т., 2018; Бобур. Асарлар. 3 жилдлик. Девон. 1-жилд. (Нашрга тайёрловчи В.Раҳмон) – Т., 1968; Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. (Нашрга тайёрловчи Р.Зоҳидов) –Т., 2007.

А.Абдуғафуров, Р.Воҳидов, М.Ҳамидова, Ш.Сирожиддинов, Н.Жумахўжа, К.Муллахўжаева, Д.Юсупова³ каби олимлар мумтоз адабиёт намуналари нашрларини таҳлил қилган; хорижий олимлар Н.Осимбек, Ф.Кўпрулу, Б.Аталай; С.Е.Малов, В.В.Радлов, А.Самойлович, Е.Э.Бертельс, И.В.Стеблеванинг матн ва тадқиқотлари шулар жумласидандир⁴. Шунингдек, Фитрат ижоди ва жаҳидчилик муаммолари О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Э.Каримов, Б.Қосимов, Ҳ.Болтабоев, М.Қурбонова, И.Ғаниев, Б.Каримов, У.Жўрақулов⁵ ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган. Бироқ Фитрат мажмуаларининг матний тадқиқини амалга ошириш, мажмуадаги намуналарнинг бирламчи манбаларни излаб топиш, уларни ўзаро қиёслаш натижасида асл манбани аниқлаш, таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда ХХ аср матншунослиги тарихида Фитрат тажрибаларини ўрганишга доир махсус тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи ва матншунослик илмининг назарий-амалий муаммолари» мавзуидаги илмий тадқиқотлар режаси асосида амалга оширилган.

³ Маҳмуд В. Алишер Навоий / Маориф ва ўқитғучи. 1925. №3. Қайта нашри: Ёшлик. 1991. №5, –Б.9; Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Б.Каримов) – Т.: Маънавият, 2007. – Б. 29-35; Шарафиддинов О. Алишер Навоий. –Т., 1936, 1948; Рустамов Э. Узбекская поэзия впервой половине XV века. –М., 1963; Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. –Т., 1969; Қаюмов А. Асарлар. 10 жилдлик. 1–2-жилд. –Т., 2008; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Т., 1961, Навоийнинг ижодий методи масалалари. –Т., 1963; Ғаниева С. Алишер Навоий. –Т., 1968; Эркинов. С. Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили. –Т., 1971; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. –Т., 1995, Навоий сатираси. –Т., 1996; Н.Раҳмонов. Қўхна битиктошлар. –Т., 1991; Рухиятдаги нур муроди. –Т., 2002; Жумахўжа Н. Адизова И. Сатрлар силсиласи сеҳри. –Т., 1996; Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. –Т., 1992, Камол эт касбким. –Т., 1990, Навоийга қайтиш. 1-3 китоб. –Т., 2009, 2014; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: Манбаларнинг қиёсий-типологияк, текстологияк таҳлили. –Т., 2011; Ҳамидова М. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи. Фил.фан.д-ри.дисс. –Т., 1994; Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Фил.фан.д-ри.дисс. –Т., 2004; Эркинов А. Алишер Навоий «Ҳамса»си талқинининг XV – XIX аср манбалари. Фил.фан.номзоди.дисс. –Т., 1998. Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги («Бадоеъ ул-бидоя» девони асосида): фил.фан.номзоди.дисс.–Т., 2005; Юсупова Д. «Фунун ул-балоға» туркий шеършуносликка доир илк адабий манба сифатида// Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. –Т., 2017.

⁴ Самойлович А. Собрание стихотворений императора Бабура. Петроград, 1917; С. Е. Малов. Из третьей рукописи «Кутадгу билиг», Изв. АНСССР Отд. Гумм.: Наук, 1929. С.У.Малов Памятники древнетюркской письменности. –М. Л, 1951; Ф.Кўпрулу. Турк адабиётгида илк мутасаввуфлар. Истанбул, 1918. / Купрулу Ф. Турк адабиётининг маншаъи // Миллий татаббулар мажмуаси. 2-жилд, 4-сон,–Б.71Besim Atalay. Divanü Lügat-it-Türk ve Tercümesi üzerine Notlar / Kaşgarlı Mahmud. Divanü Lügat-it-Türk (çeviri). Çeviren: Besim Atalay. 5.Baskı. Cild I-III. Ankara, 2006. Е.Э.Бертельс. Навои. Опыт творческое биографии. –М., 1947, Навои и Джамии. –М., 1965; И.В. Стеблева. Семантика газалей Бабура. –М., 1978, Тюркская поэтика.– М., 2012;

⁵ О.Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. –Т.: Шарқ, 2004; Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараён. –Т., 2013; Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. –Т., 1978; Б.Қосимов. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Т.: Маънавият, 2004; Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат – адабиётшунос. –Т.: Ёзувчи, 1996, Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жаҳидчилик. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007; М.Қурбонова. Фитратнинг тилшунослик мероси. Фил.фан.номзоди.дисс. –Т., 1993. И.Ғаниев. Фитрат драмалари поэтикаси. –Т.: Фан., 2005; Каримов Б. Жаҳид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. –Т., 2000; Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. –Т., 2003.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср бошлари ўзбек матншунослиги ва манбашунослигида Фитратнинг матншунос ва манбашунос сифатидаги маҳоратини очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» ва «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуалари таркибидаги парчалар манбаларини аниқлаш, матний тафовутларни кўрсатиш орқали олимнинг манба ва матнга муносабатини аниқлаш;

қадимги тошбитиклар, «Чистони(й) элиг бегининг ҳикояси» матни ва манбаларини Фитрат томонидан келтирилган матн ва насрий баён матни билан қиёслаш;

«Девону луғотит турк» асари таркибидаги манзум парчалар «Девону луғот...» сўзлари учун фихрист» қўлёзма нусхаси билан боғлиқ экани асосида унинг Фитрат томонидан тузилганлигини исботлаш;

Хожанинг «Мифтоҳ ул-адл» асарига доир Фитрат қарашларини танқидий ўрганиш;

Навоий ва Бобурнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуасига кирган матн намуналарини илмий-танқидий нашрлари билан қиёсан ўрганиш, уларнинг қўлёзма нусхалари ва Фитрат таянган қўлёзмаларни тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1927) ва «Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд» (1928) мажмуалари ва уларга асос бўлган қўлёзма ҳамда босма матн нусхалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини Фитратнинг мажмуа тузиш тамойиллари, мумтоз матнларнинг табдил хусусиятлари ва нашрга тайёрлаш тажрибасини ўрганиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, тавсифлаш, статистик, герменевтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуасига киритилган мумтоз адабиёт намуналарининг манбалари аниқланиб, олимнинг манба танлаш ва матн устида ишлаш тамойиллари очиб берилган;

Фитрат эълон қилган тошбитиклар матни мавжуд нашрларга қиёсланган ҳолда уларнинг эркин насрий баён эканлиги, «Чистони(й) элиг бегининг ҳикояси» асари Фитрат томонидан илмга тақдим қилингани асосланган;

«Энг эски турк адабиёти намуналари» мажмуасини тадқиқ қилиш орқали Фитратнинг «Девону луғотит турк» асари асосида «фихрист – луғат» тузгани аниқланган;

«Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуасида муаллифи кўрсатилмаган «Мифтоҳ ул-адл» асарининг Хожага тегишли экани, қўлёзма нусхаларидан бирини Фитрат фанга тақдим қилгани исботланган;

«Ўзбек адабиёти намуналари»даги Алишер Навоий ва Бобур асарларидан олинган намуналар илмий-танқидий матнлар билан қиёсий ўрганилган ҳолда уларнинг манбаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот объекти Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» (Тошкент, 2008) ва «Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд» (Тошкент, 2013) мажмуалари эски ўзбек (араб) ёзувидан табдил қилиниб нашр этилган.

тадқиқот натижалари асосида «Девону луғотит турк» асари асосида тузилган «Девону луғот» сўзлари учун фихрист» илмий истеъмолга киритилган;

диссертацияда тадқиқ этилган Фитратнинг матн устида ишлаш тамойиллари ўзбек матншунослиги ва манбашунослигининг назарий асосларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши асосланган;

Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» ва «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуалари ўзбек мумтоз адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, Фитрат таянган бирламчи манбаларнинг матн хусусиятлари аниқлангани, бирламчи манбалар асосида нашрга тайёрлаш тамойилларининг белгилангани, шу йўл билан адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий ҳамда амалий асосларига доир муҳим хулосалар илгари сурилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XX аср бошларида вужудга келган ўзбек матншунослиги ва манбашунослигининг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилган Фитрат адабий мажмуаларининг ўрганилиши орқали мазкур соҳа тараққиётидаги олимнинг фаолияти ва унинг амалий натижалари таҳлилга тортилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти XX аср ўзбек матншунослиги ва манбашунослиги тарихини яратишда, таълим тизимида ўзбек мумтоз ва жаҳид адабиёти тарихини ўқитишда, бу фанлардан махсус курс ва семинарлар ташкил қилишда ҳамда мамлакат олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» ва «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуаларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Абдурауф Фитрат ижодий фаолияти ва адабий қарашларидан, диссертациянинг «Темурийлар даври адабиёти намуналарининг мажмуада акс этиши», «Навоийдан кейинги давр адабиётининг матний тадқиқи» каби илмий хулосаларидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидан 2007-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-151 «Адабиёт энциклопедияси» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 17.09.2018 йилдаги 89-03-3384 рақамли маълумотномаси). Натижада «Адабиёт энциклопедияси» фундаментал лойиҳасининг 1-жилдидаги мавзуга оид материаллар мажмуаларнинг юзага келиш эҳтиёжи тадқиқи асосида бойитилган;

«Алпомиш» ва «Кўрқуд ота китоби» дostonларининг қўлёзма ва мавжуд нусхаларига оид фактик материаллардан, «Алпомиш» дostonи матни «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуасида келтирилган матнга доир илмий хулосалардан, 1922 йил ҳамда 1928 йилда ёзиб олинган вариантларининг қиёсан тадқиқи келтирилган маълумотлардан ФА – А1 – Г031 рақамли «Ўзбек фольклоршунослиги тарихи» илмий лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФАнинг 02.10.2018 йилдаги 3/1255-2599 рақамли маълумотномаси). Ушбу натижалар тадқиқи дostonларнинг қўлёзма, тошбосма ва мавжуд нашрларининг қиёсий текстологик тадқиқот қонуниятларини ойдинлаштиришга хизмат қилган;

Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари, Атоий, Лutfий, Хусайний лирик мероси, манбалари, матний тафовутлар, матн ва мазмуни мутаносиблиги каби масалаларга оид илмий хулосалардан «Маданият ва маърифат» телеканалининг «Бугуннинг гапи», «Бир байт шарҳи», «Одоблар хазинаси» каби кўрсатувларида фойдаланилган. Атоий ғазаллари матни ва мазмуни нусхалардаги фарқли ҳолатлар асосида шарҳланган. Бобур ижодий меросига муносабат, XX аср бошларида матбуот ва нашр ишларининг ривожланиши, мумтоз адабиёт намуналарининг эълон қилинишига доир фактик материаллар берилишида тадқиқот натижаларига таянилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканали» давлат унитар корхонасининг 24.09.2018 йилдаги 01-16/444 рақамли маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 18 та республика илмий-назарий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 39 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 2 та Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» ва «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуалари ҳамда ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 таси республика ҳамда 4 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация Кириш, уч асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловадан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Қадимги ёзма адабий манбалар матни ва уларни нашрга тайёрлаш тамойиллари” деб номланиб, ундаги уч фаслда мажмуаларнинг юзага келиш эҳтиёжи, таркиби, манбалари, “Девону луғотит турк” таркибидаги парчаларнинг, қадимги давр адабиёти ва халқ оғзаки ижоди намуналарининг манбавий ва матний тадқиқи ёритилади.

XX аср бошларида давр талаби халқ маънавий қиёфасини шакллантириш, ўзлигини тиклаш мақсади билан мумтоз адабиётимиз намуналарига қайта мурожаат этилиб, уларни йиғиш, халққа етказиш, нашр қилиш ишлари янгича тизим асосида юзага келди. Айти даврда матбаа усуллариининг тараққий этиши, замонавийлашиши натижасида қўлёзма шаклида етиб келган бир қанча жанрга оид асарлар, хусусан, тазкирачилик литография шаклида кўп нусхада чоп этилиши сабаб анчайин оммалашиб, улардан фойдаланиш имконияти кенгайди⁶. Матбуотда уларнинг нашри масаласида мақолалар эълон қилина бошланди. Сулаймонкули Рожийнинг “Тазкираи Барно” мақоласини шу давр маҳсули сифатида эслаш мумкин⁷.

XX аср бошларида яратилган тазкиралар олдинги тазкиралардан фарқли ҳолатда “қисқа маълумот бериш” усулидан чекиниб, ижодкор яратган асарларнинг адабий жанри бўйича тазкиралар тузиш тамойили кириб келди. Бу даврда тузилган Аҳмад Табибий ва Садр Зиё тазкиралари ана шу хусусиятларни ўзида жамлаган эди. Садр Зиёнинг форс тилидаги тазкираси 20-йилларнинг ўрталарида вужудга келган Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти тожик”⁸ асари учун амалий тажриба бўлиб хизмат қилган. Мажмуада турли адабий жанрга оид намуналар келтириладики, бу тазкирачилик анъанасининг мажмуага яқинлашиб борганлигини кўрсатади. Асар сўзбошисида Тожикистон ҳукуматининг Садриддин Айнийга мажмуа тузишни таклиф қилгани, олим мажмуа яратиш учун бир қанча асарларнинг қўлёзма ва нашрлари, матбуотда: газета ва журналларда эълон қилинган асарларни йиғиб, форс адабиётида яратилган “Намунаи адабиёти Эрон”⁹, “Оташкада”¹⁰ асарларидан унумли фойдаланган ҳолда яратгани маълум қилинган¹¹. Абдурауф Фитрат “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасининг тузилиш тартиби, шакли С.Айний мажмуаси билан айнан. Тахминимизча, Фитрат Айнийнинг мажмуасини кўрган, қолаверса, олим рус, эрон, турк, тожик адабиётида яратилган мажмуалардан ҳам хабардор эди.

Сир эмаски, XX аср бошларида адабиёт тарихини ўрганиш ҳавас қиларлик даражада эмас эди. Миллий адабиётимиз тарихий тараққиётини ўрганиш учун қатъий қонуниятлар яратиш олимларимиз зиммасидаги энг

⁶ Масалан, Фазлийнинг “Мажмуаи шоирон” асари. Тазкира 1902 йил Тошкентда Илъин босмаҳонасида нашр этилган.

⁷Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан. НДА. –Т., 1993., –Б.13

⁸Айний С. Намунаи адабиёти тожик. М., 1926; Қайта нашри: Намунаи адабиёти тожик. Душанбе.: Адиб, 2010.

⁹Мирзамухсин И. Намунаи адабиёти Эрон. Боку, 1922.

¹⁰Лутф Алибек Озар. Оташкада. Фатҳулқарим нашриёти, хижр., 1299.

¹¹ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. Душанбе: Адиб, 2010., –Б. 22

катта вазифалардан бири бўлган. Табиийки, бу йўлда қардош туркий халқлар: усмонли турк, татар, озарбайжон олимларининг тажрибаси керак эди. Бироқ деярли барча туркий халқларда изчил илмий асосга эга адабиётнинг яратилиши асрнинг 20-йилларига тўғри келади. Ф.Кўпрулуниг “Турк адабиётида илк мутасаввифлар”¹², “Турк адабиёти тарихи”¹³, айти шу йўналишда Исмоил Ҳикматнинг “Турк адабиёти тарихи”¹⁴, “Озарбайжон адабиёти тарихи”¹⁵, А.Раҳим, А.Азизларнинг “Тотор адабиёти тарихи”¹⁶ Абдурахмон Саъдийнинг “Тотор адабиёти тарихи”¹⁷ асарлари, бу борадаги турк, озарбайжон ва татар олимларининг эришган натижалари Фитратни илҳомлантирган. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихини яратиш учун асос бўлган илмий тамойиллар, мажмуа ва дарсликлар тузилишига эҳтиёж мавжудлиги Фитрат томонидан ўзбек адабиёти тарихи учун материаллар тўпланиши, уларнинг хронологик тартибда изчил илмий тизимга солиниши ва нашрга тайёрланишига сабаб бўлган. Назарий манбаларга эҳтиёж мавжудлиги туфайли мажмуалар сўзбошиларида ва ҳар бир бўлим олдидан келтирилган назарий маълумот ва уқтириш хатларида ва илмий рисолаларида адабиёт тарихини даврлаштиришга оид қарашларни ифодалаган.

Фитратнинг бу йўлдаги энг катта хизмати мажмуаларида муаллиф қўл остида бўлган қўлёзма матнларни ўз замонда оммавий нусхаларда тарқатилган тошбосмалар билан солиштирган ҳолда нашрга тайёрлагани эди. Ўтган асарнинг 60-йилларигача (Пўлатжон Қайюмий тазкираси) даврда матншунослик амалий соҳа бўлиб келди. Ёзма ёдгорликлар матнини тузиб нашр қилувчи амалиётчилар билан бир қаторда унинг назарий масалаларини тадқиқ қилувчи назарийчилар ҳам майдонга кела бошлаган бир даврнинг йирик вакили сифатида проф. Фитратни эътироф этиш мумкин. Ҳар бир ёзма ёдгорликларни жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш фақат матнни босиб чиқаришдангина иборат эмас. Матншунослик ишлари нашр учун материал етказиб берувчи археография йўналиши билан боғлиқ. “Археография эса қадим ва ўрта асрларда яратилган асарларни нашр этиш тартибини белгилаб беради”.¹⁸ Фитратнинг икки мажмуасида матнлар археография талабларига тўлиқ мос тушади. Мажмуада сўзбоши, археографик кириш (ёки муқаддима), матншунослик тадқиқоти берилади: тегишли ўринларда эса илмий аппарат деб номланган изоҳ ва кўрсаткичлар, иловалар бор. Археография талабига кўра матн қандай эҳтиёжга қаратилган қараб нашрга тайёрланиш тамойиллари танланади. Фитратнинг икки мажмуаси ҳам таълимий эҳтиёж сабаб тузилган. Бироқ “Энг эски турк адабиёти намуналари”, “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуалари турли

¹² Аҳмад Ясавий ва унинг мактаби тарихини ёритиш билан чекланган. Илк нашри 1918 йил.

¹³ Турк адабиёти тарихи. 1-жилд. 1926.

¹⁴ Исмоил Ҳикмат. Турк адабиёти тарихи. 1925.

¹⁵ Икки жилддан иборат бўлиб, 1928 йилда тартиб берилган.

¹⁶ Раҳим А, Азиз А. Тотор адабиёти тарихи. Феодализм даври. –Қозон., 1923.

¹⁷ Саъдий А. Тотор адабиёти тарихи. –Қозон., 1926.

¹⁸ М.Ҳасаний, А.Ҳабибуллаев. Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий масалалари. –Т., 2012, –Б.52.

вазифаларни бажаргани боис манба ва матн танланишида турлича тамойилларга таянилган. Олимнинг “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуаси мактаб, коллеж, лицей, олий таълим муассасалари учун мўлжалланган хрестоматия шаклида тузилган. Фитрат мажмуа таркибидаги матнларни хронологик тартибда жойлаштирган, тадқиқотлар асосида илмий-назарий қарашларини баён қилган.

Фитратнинг “Энг эски турк адабиёти намуналари” асарининг муҳим аҳамият касб этиши олимнинг илмий салоҳияти ва тадқиқотчилик маҳоратининг юқорилиги билан белгиланади. ЎзР ФАШИда “Девону луғотит турк” асарининг бир қанча тошбосма нусхалари мавжуд бўлиб, матбаа ва нашр ишлари энди шакллана бошлаётган бир даврда ўзбек олимларининг “Девон”ни чуқурроқ ўрганишларига замин яратган. Уларнинг кўпчилиги Истанбул нашри бўлиб, Фитрат “Энг эски турк адабиёти намуналари” мажмуасидаги парчаларни айна шу тошбосмаларга асосланиб тақдим қилган. Инвентарь рақами 5201-3 бўлган, 1914-1916 йилларда нашр қилинган 1106 саҳифадан иборат тошбосма, 5206-3, 5204-5, 14345-47, 8999, 9000, 5206-8 инвентарь рақамли тошбосмалар, 20927 инвентарь рақамли ҳижрий 1333 йилда нашр қилинган, 20929 инвентарь рақамли ҳижрий 1335 йилда нашр қилинган литографиялар Фитрат каби олимларни мумтоз намуналарни китобхонга етказишга илҳомлантирган. Кузатишимизча, ЎзР ФАШИнинг Қўлёзмалар фондида 5046/1 инвентарь рақамли “Девону луғот” сўзлари учун фихрист” сарлавҳаси остида бир қўлёзма сақланади. Ҳар бир сўз қайси жилдда, саҳифада эканлиги кўрсатилган. Арабча нашрнинг биринчи жилдидаги сўзлар дафтарнинг 1-57, иккинчи жилддаги сўзлар 59-62, 74-83 саҳифаларда, учинчи жилддаги сўзлар эса 62-66, 83 саҳифалардан кейинги бетларда берилган¹⁹. Проф. Ҳ.Ҳасанов ва акад. А.Рустамов фикрича, бу кўрсаткич 1924-1925 йилларда тузилган. Агар шу сана илмда эътироф этиладиган бўлса, бу қўлёзма адабиётшуносликда “Девон” бўйича тузилган дастлабки индекс-луғат ҳисобланади. Тадқиқотчи А.Носиров ҳам бу луғат Фитрат томонидан тузилган деб тахмин қилади. Луғатдаги сўзлар алифбо тартибида келтирилган бўлиб, “Девон...”нинг нечанчи жилд ва қайси саҳифада ишлатилгани алоҳида қайд этиб борилган²⁰. Луғатдаги тартиб 1-, сўнг 2- ва 3-жилдда ишлатилган сўзлардан иборат. Саҳифа икки қисмга ажратилиб, сўзлар устун шаклида саҳифадаги рақами билан тартибланган. Ҳатто бир саҳифанинг ўзида бир неча маротаба ишлатилган сўзлар ҳам алоҳида-алоҳида кўчирилган.

Куб [kub] كُوب 85

Киb [kib] كِب 85

Киb [kib] كِب 85

Куж [kuj] كُوج 86

Қўлёзма саҳифаларда лотин ёзувида “fitrat” сўзининг ёзилиши машқ қилинган. Фихриstda 8 мингтача сўз келтирилган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Девону луғот” сўзлари учун фихрист” Фитрат томонидан 1928-

¹⁹ Луғатдаги сўзлар араб алифбоси асосидаги тақсимланган. Бир ҳарф билан бошланувчи сўзларнинг учала жилддаги ишлатилган ўринлари келтирилиб, кейин кейинги ҳарфга ўтилган.

²⁰ الكاشغرى محمد بن الحسين بن محمود ديوان لغات الترك كتاب

1929-йиллар оралиғида, лотин ёзувига ўтиш арафасида, “Энг эски турк адабиёти намуналари” мажмуаси яратилганидан сўнг тузилган. Фитратнинг “Энг эски турк адабиёти намуналари” асари “Девону луғотит турк” асари тадқиқига бағишланган бўлиб, проф. Фитрат шеърини намуналарни уларнинг бир неча хусусиятига кўра таснифлаб тизимлаштирган: 1) матнни насрий баён қилиш; 2) мавзу бўйича таснифлаш; 3) мавзуларни мазмуний асосда гуруҳлаш; 4) матннинг муайян адабий тур ва жанрга муносабатини аниқлаш; 5) вазн хусусиятларини аниқлаш; 6) мажмуа мусаннифи сифатида табдилини тақдим этиш.

Фитрат “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб, Ўрхун-Енисей битиктошларидан намуналар келтириб, кенг китобхон оммасига тақдим қилди. Тошбитик матнини насрий баён қилди. Тадқиқотчи А.Абдурахмонов “Туркий адабиётнинг қадимги даври” асарида матнни шеър шаклида ифода қилган²¹. Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамовнинг “Қадимги туркий тил”²², проф. Н.Раҳмоновнинг “Руҳиятдаги нур муроди”²³ кўлланмаларида “Култегин” битиктошининг насрий баёни ўзаро бир хил. Бироқ бу насрий баён билан Фитрат мажмуасида келтирилган насрий баён ўртасида бироз фарқ бор. Хусусан, “*боши борни эгиб, таъзим қилдирди, тиззаси борни чўккалатди*” жумлалари Фитратнинг мажмуасида “*бошлиқни буктирган, тиралиқни чўктирган*” шаклида берилган. Кўринадики, Фитрат битиктошларни сўзма-сўз эмас, балки эркин, сажъ шаклида баён қилган. Олим сўзлар изоҳи учун махсус луғат тузган ва сўзбошида парчаларнинг қисман таҳлилини берган.

Ўрхун-Енисей обидаларидан кейинги намуна сифатида ўзбек манбаларида матни эълон қилинмаган, тадқиққа тортилмаган “Чистони(й) Элиг бегининг ҳикояси” асаридан парча келтиради. Фитрат асар матни ва тилини Ўрхун-Енисей ёдгорликлари тили билан солиштириб, ҳикояни VIII-IX асрга оид деб белгилаган. Бу манба Шарқий Туркистон ҳудудидан бир қанча расмлар, нақшлар, уйғур ёзувида битилган кўлёмалар билан бирга топилган ва улар Германияга олиб кетилган. Бугунги кунда улар Олмониядаги кутубхона ва музейларда сақланмоқда. “Чистони(й) Элиг бегининг ҳикояси”нинг сюжети, рўй берган воқеалари тизимида қабилавий муҳит акс этгани учун олим асарни қабилавий давр адабиётининг нодир намунаси деб баҳолайди. Олим ҳикоя матнини келтирибгина қолмай, матннинг насрий баёнини ҳам тақдим қилган, изоҳталаб сўзларнинг изоҳини ҳаволаларда келтириб ўтган.

Фитрат “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасига халқ оғзаки ижодининг дoston жанрига мансуб “Алпомиш” ва “Қўрқуд ота китоби” асарларидан парчалар келтиради. “Алпомиш” дostonининг бошланғич қисми Фозил Йўлдош ўғли ҳамда Ҳамроқул бахши томонидан қуйланган “Билим ўчоғи” журналида босилган вариантларидан олинган. Бу вариант 1922 йилда ёзиб олинган бўлиб, олимлар томонидан йўқолган вариант

²¹ Abdurahmonov A. Turkiy adabiyotning qadimgi davri. –Т.: Yangi asr avlodi, 2005.

²² Абдурахмонов Ғ. Рустамов А. Қадимги туркий тил. –Т.: Ўқитувчи, 1982.

²³ Раҳмонов Н. Руҳиятдаги нур муроди. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ нашриёти мероси, 2002.

сифатида эътироф этилган. Мустақиллик йилларида 1998 йилда Ҳоди Зариф ҳамда Тўра Мирзаев таҳрири остида нашр этилган²⁴ дoston матни мажмуа таркибидаги матн билан солиштирилганда матний тафовутлар у қадар катта эмаслигига гувоҳ бўлдик. Мажмуада келтирилган матнларда “ж”лашиш хусусияти кўзга ташланади. Дoston 1928 йилда қайта ёзиб олинган бўлиб, Фитрат дostonнинг кейинги вариантини табиий равишда ўз мажмуасига киритмаган. Илмда маълум даражада бу икки вариантни солиштириш имкони пайдо бўлгани муҳим аҳамиятга эга.

Мажмуада келтирилган “Қўрқуд ота китоби” дostonидан парчалар Дрезден нусхасига таяниб нашр қилингани маълум бўлди. Дostonнинг бугунги мукамал нашрларидан бири профессор Муҳаррам Эркин томонидан 1986 йилда нашр этирилган эпос²⁵ матни билан солиштирилганда, уларнинг айнан эканлигига амин бўлдик. Фитрат мажмуадаги матнларнинг баъзи ўринларини қисқартириб беради. Муҳаррам Эркин матнидаги *Қаба ўкчем алтина солайинми* мисрасига қўшимча равишда Фитрат (*қаба ўкча тақим*) жумласини қўшган¹³. Бундай изох Дрезден нусхалари матнида ҳам учрамади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбек адабиёти намуналари**”: **XI-XVI асрлар туркий шеърят намуналарининг манбалари, матний тафовутлар**” деб номланиб, боб таркибидаги фаслларда таълимий-ахлоқий адабиёт намуналари матнини беришда матни талқин қилиш тамойили, XIV-XVI асрлар ўзбек шеърятини намуналарини тадқиқ этиш ва нашрга тайёрлаш тамойиллари, Алишер Навоий ва Бобур асарлари нашри – илмий-амалий тажрибалар ёритилади. Фитрат таълимий-ахлоқий адабиёт сифатида эътироф этган “Қутадғу билиг” асаридан парчалар беришда Наманган (инв. № 1809) нусхасига таянган бўлиб, қўлёзма нусха ва унинг асосида Қ.Каримов²⁶ томонидан нашрга тайёрланган нусхалар матни солиштирилди. Фитрат асардаги парчаларга мазмуний муносабатдан келиб чиқиб мустақил сарлавҳа қўйганлиги, баъзи ўринда мисралар таркибидаги сўзларнинг тушиб қолишида вазн бузилиш юзага келгани, баъзи ўринларда Қ.Каримов нашри матнида сўзларнинг ўқилишидаги фарқли ҳолатлар таҳлилга тортилди. Кейинги намуна сифатида Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асаридан парчалар келтиради. Асарнинг муаллифи, яратилиши, тили, услуби каби бир қанча илмий маълумотларга илк бора Фитрат томонидан аниқлик киритилган эди²⁷. Тадқиқот ишида Фитрат асар матнини беришда матни тадқиқ этиш тамойилига таянгани асосланди. Мажмуада келтирилган матнлар манбаси сифатида Истанбул Аё София кутубхонасида 4012 рақами остида сақланаётган нусхаси кўрсатилди. Айни шу нусха

²⁴ Алпомиш / Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, нашрга тайёрловчилар: Ҳоди Зариф, Тўра Мирзаев. –Т.: Шарк НМАК, 1998.

²⁵Dede Korkut kitabı. Metin-Sözlük. Prof. dr. Muharrem Ergin. Istanbul, 1986.

²⁶Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов) –Т.: Фан, 1972. –Б.72

²⁷Фитрат. Ҳибат ул-ҳақойиқ // Маориф ва ўқитғучи. 10-сон Б. 41-6; Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: Маънавият, 2000. –Б. 45.

асосида 1915 йилда Н.Осимбек томонидан нашр²⁸ ҳам таҳлилга тортилди. Фитратнинг матн устида ишлаш услубини аниқлаш мақсадида Н.Осимбек билан мунозарасига, асарнинг бугунги – Қ.Маҳмудов нашри²⁹ қиёсланиб ўрганилди. Фитрат мажмуада асарнинг 8 бобидан парчалар келтиради. Муаллиф парчаларни 4 сарлавҳа остида бериб ўтган. Мажмуадаги парчалар китобнинг ёзилиш сабаби акс этган парчалар билан бошланади. Кейинги намуна сифатида “Илм манфаати, жаҳл зарари” номи остида келтирилган парчанинг 1-тўртлик 2-мисраси 2 нашрда бир-бирдан фарқ қилади.

Фитрат мажмуасида :

Билик бирла олам юқар йўқлади
Биликсизлик арни чўкарди куди
Билик бил ўсанма, бил ул ҳақ Расул
Билик кимда эрсасиз арқанг дади³⁰

Қ.Маҳмудов нашрида:

Билик бирла олам юқар йўқлади
Биликни биликсиз узун нэ қилур
Билик бил ўсанма, бил ул ҳақ Расул
Билик кимда эрсасиз арқанг дади³¹

Қ.Маҳмудов нашрида “*Илм ўрганиши ҳақида алайҳиссаломнинг айтганлари*” сарлавҳаси остида берилган парчалар Фитрат мажмуасида шу қисмда берилган³². Қ.Маҳмудов нашрида шу сарлавҳа остидаги парчаларда юқорида келган тўртликнинг 2-мисраси яна такрор келади. (*Биликни биликсиз узун нэ қилур*) Фитрат мажмуасида бу мисра шу ўринда келса-да, бошқа такрорланмайди. Қ.Маҳмудов фойдаланган нусхада хаттот мисраларни кўчираётганида адашиб кетган кўринади. Чунки тўртликнинг қофияланиш тизимига эътибор берилса, “йўқлади – куди - дади” тарзидаги (а-а-б-а) тизим мавжудлигини кўриш мумкин.

Фитрат “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний ҳикматларига кенг ўрин ажратган. Олим Яссавий ҳикматлари матнидан парчалар беришда Истанбул нашрига, Сулаймон Боқирғоний ҳикматлари матнини беришда “Ҳикматлар куллиёти” сарлавҳали Туркистон қўлёзмасига таянган. Мажмуада келтирилган намуналар “Боқирғонийнинг йўқолган боласи учун айтғони” сарлавҳаси остида етти тўртликдан иборат. Тадқиқот ишида мавжуд қўлёзма, тошбосма ва мавжуд нусхалар ўртасидаги матний тафовутлар таҳлилга тортилган. Фитрат Дурбекка нисбат берилган “Юсуф ва Зулайҳо” достонидан парчалар келтирар экан, уларни нисбатан қадимги ва матн хусусиятларига тугал бўлган 1433 инвентарь рақамли қўлёзма асосида тайёрлаган. Бизнингча,

²⁸ Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди. 1773 инвентарь рақамли тошбосма. [10724, 1774, 12023, 20941 инвентарь рақамли тошбосмалар]

²⁹ Аҳмад Югнакий. Ҳибат ул-хақойик. (нашрга тайёрловчи Қ.Маҳмудов)–Т., 1972.

³⁰ Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. –Б. 68

³¹ Аҳмад Югнакий. Ҳибат ул-хақойик. (нашрга тайёрловчи Қ. Маҳмудов) –Т., 1972.

³² Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. –Б. 70

Ш.Шарафутдинов (Хуршид)³³ “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасидан хабардор бўлгани, мавжуд қўлёзмаларни ўзаро солиштириш натижасида Фитрат асосланган манбани тугал деб билгани учун ушбу қўлёзманинг жорий ёзувдаги табдилини амалга оширган ва нашр эттирган. Мажмуада Атоий, Лутфий, Хусайний “Девон”лари матнидан парчалар берилган бўлиб, парчалар матни манбалари аниқланди. Фитрат XV аср ўзбек шеърятининг етук вакили Атоий ғазалларини профессор А.Н.Самойловичнинг “Ўрта Осиё турк адабиётига оид материаллар” асаридан олган³⁴. 2000 йил Сайфиддин Сайфуллоҳ томонидан айти шу нусха асосида Атоийнинг ғазаллари жамланган “Девон”и нашр этилди³⁵. Нашрлар ўртасида сўзларнинг ўқилишида баъзи ўринларда фарқли ўринлар кўзга ташланди. “Не раво” деб бошланувчи ғазалнинг тўртинчи байти биринчи мисраси Фитрат мажмуасида “*Неча занжир айласам кўнглум уйинг эшикин*” шаклида Сайфиддин Сайфуллоҳда эса “*уйинг*” сўзининг ўрнига “*эвининг*” сўзи келтирилган.

Неча занжир айласам кўнглум уйинг эшикин

- V - - / - V - - / - v - (?) / - V -

Неча занжир айласам кўнглум эвининг эшикин

- V - - / - V - - / - v - - / - V -

Байт вазний қонуният асосида таҳлилга тортиладиган бўлса, “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасидаги матнда бир ҳижо етмай қолганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Фитрат “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида Хусайний “Девон”идаги парчаларга кенг ўрин ажратган. ЎЗР ФАШИ Қўлёзмалар фондида Хусайний “Девон”ининг бир қанча қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжуд. 16993-І инвентарь рақам остида сақланаётган нусха Кобул нашри бўлиб, Маҳмуд Яъқуб Жузжоний сўзбошиси билан бошланади. 1942, 7709, 1117, 7015 инвентарь рақамли қўлёзмалар матни мажмуа таркибидаги матнлар билан солиштирилганда бир қанча матний фарқланиш кўзга ташланди. Бироқ 9670 инвентарь рақами остида сақланаётган, 1926 йилда Бокуда нашр қилинган тошбосмани ўрганганимизда, айти шу тошбосма Фитрат мажмуаси таркибидаги матнга асос бўлгани аниқланди. Тошбосма 76 бетдан иборат бўлиб, нашр Б.Чўпонзоданинг сўзбошиси билан бошланади. Б.Чўпонзода ўша пайтларда Алишер Навоий ижодидан парчалар эълон қилиш урф бўлгани каби Хусайн Бойқародан ҳам парчалар нашр қилинаётганини, бироқ бу нашрларнинг аксариятида “пек зиёда қоришиқ ва ғоят барбод бир ёзула ёзилган”³⁶лигини таъкидлаган. Б.Чўпонзода ана шу камчиликларни йўқотиш учун Хусайн Бойқаро “Девон”ининг янги нашрини амалга оширди. Б.Чўпонзода сўзбошисида бу нашр Фитратда мавжуд қўлёзмадан нусха кўчириб олинган матн асосида нашрга тайёрланганини

³³ Бу нашрга оид қўлёзмалар “Шамсиддин Шарафуддинов Хуршид архивининг каталоги”да 375, 390 рақамлар билан қайд этилган. –Т.: Mumtoz so‘z, 2014.– Б.272, 279.

³⁴ Г.Халлиева. Тюркская литература в российском востоковедении XX века. –Т., 2014.

³⁵ Атоий. Девон. (нашрга тайёрловчи Сайфиддин Сайфуллоҳ) –Т.: Фан, 2008.

³⁶ЎЗР ФАШИ Қўлёзмалар фонди 9070 рақамли тошбосма. –Боку, 1926.

айтиб миннатдорчилик билдиради. “Бизим аркадашимизда кўрдигимиз ёзма нусха ёзу(в) жиҳатидан пек очик, гўзал ўлдиғи ҳолда ундан ёпилан нусханинг ибтидоий бир ёзу(в) майдона келтирмишдир”.³⁷ Нашрда 138 та ғазал келтирилган бўлиб, “*Бўлди гул вақти-ю мен дард-у гаминда мубтало*” мисрали ғазал билан бошланади. Ғазалларнинг тартиб рақами, матни “Ўзбек адабиёти намуналари” таркибидаги матнлар билан айнан. Фақат Фитрат ғазалларни тартиб кетма-кетлигини бузмаган ҳолда саралаб олган.

